

# УЧ ИНСОН ТАҚДИРИ

Аёлнинг эътиборсизлиги, амалтақал кун ўтказиш илинжида яшаётганлиги, қийинчиликларни енга олмаганлиги сабаб ҳаёт тўфонлари уни ўз гирдобига олади.

4-бет

# «АЙБИМ НИМА ЭДИ, ОНАЖОН?»

Ҳайвонларнинг соат кечки тўртлар атрофида экан. Уч соатга яқин ухлаган эканман. Йўлакка чиқшим билан ҳамма ерга сув тошиб кетганини кўрдим ва ваннанинг жўмрагини очиб қўйганим ёдимга тушиб, ҳаммомга кирдим... У ерда эса...

6-бет

# ҲИМОЯ САНЪАТИ

Табиат унга ақл-заковат, нотиклик иқтидори ҳамда тоза қалб ато этганди. Ҳар бир сўзни «топиб айтиш» хусусиятига эга бўлган Плевако суд музокараларида сўзга чиққанда ҳар қандай... судьялар ва прокурорлар судланувчиларга нисбатан раҳм-шафқат туйғуларини юрак-юрмадан ҳис қилиб, уларга мурувват кўрсатишган дейишади.

7-бет

# ЮРТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Армоннинг ранглари нима ўзи дейман ўзимга ўзим. Сизда ҳам армон борми дегим келади замонда бўстларимга. Менимча, армон етиб бўлмас маъво. Аммо қўл етган ҳамма нарсани бажариш мумкин.

8-бет

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

# 17

(332)

YURIDIK GAZETA

April				
D.	5	12	19	26
S.	6	13	20	27
Ch.	7	14	21	28
P.	1	8	15	22
J.	2	9	16	23
Sh.	3	10	17	24
Y.	4	11	18	25

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ E-mail: Info@huquq.uz

## ЎЎЎЎЎ



## ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФ

**ҚОЗОҒИСТОН** Республикаси Бош прокурорининг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошчилигидаги Ўзбекистон Бош прокуратораси делегацияси 2004 йил 22 апрелда ушбу давлатга ташриф буюрди.

Ташрифдан кўзланган мақсад икки мамлакат прокуратура органлари ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги тахрирдаги битимни имзолашдан иборат эди.

Олмаотада Қозоғистон Бош прокурори Р.Тусупбеков билан ўтказилган учрашув чоғида айтиб ўтилганидек, икки мамлакат прокуратура органлари ўртасида 1992 йил 9 октябрда «Ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида» битим тузилган эди.

Аммо ўтган давр мобайнида ҳар иккала давлат қонунчиликларига анча ўзгартиришлар киритилганлиги, Марказий Осиёдаги умумий криминоген вазиятнинг бирмунча ўзгарганлиги, чегарадош вилоятлар прокуратураларининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, трансмилий жиноий гуруҳлар тўғрисида ахборот алмашиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳаракатларни мувофиқлаштириш, шунингдек ҳар иккала мамлакат ҳудудида содир этилган терроризм жиноятларини тергов қилиш учун биргаликдаги тезкор-тергов гуруҳларини тузиш имкониятлари кенгайгани боис битимга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилди.

Идораларо битимнинг янги тахририни имзолаш тадбиридан сўнг томонлар ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида трансмилий жиноятчилик, терроризм, сепаратизм ва диний экстремизмга қарши курашдаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон томони террорчиларнинг халқаро алоқаларини ҳамда уларнинг Қозоғистон ҳудудидаги ўтиб келиш йўллари аниқлашда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Қозоғистонлик ҳамкасбалар бу борада ёрдам кўрсатишга ҳамisha тайёр эканликларини баён қилдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Т.Бўтаёров делегацияга ҳамроҳлик қилди.

Ушбу ташриф ҳамда янги тахрирдаги битимнинг имзоланганлиги ҳуқуқий майдоннинг мустақамланишига ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали ҳамкорлик қилишларига имкон яратади.

**А. МУҲАМЕДОВ,**  
Республика Бош прокураторасининг бўлим бошлиғи

## ЎЎЎЎЎ

## ИДОРАЛАРАРО ЙИГИЛИШ

**СИРДАРЁ** вилоят прокураторасида идораларо йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда туман-шаҳар прокурорлари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул ходимлари, туман-шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари бошлиқлари, тиббий ҳайъат раислари, вилоят марказий ҳамда ҳудудий тиббий меҳнат эксперт комиссиялари раислари иштирок эттиди.

Кун тартибидagi масала — вилоятда вояга етмаганларга ногиронлик мақоми берилишида Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни

ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига риоя этилишининг аҳолини ўрганиш натижалари ҳақида вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Аҳмедовнинг маърузаси тингланди.

Йиғилишда ушбу йўналишдаги камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатлари рўй-рост айтилиб, иштирокчилар томонидан муҳокама этилди.

**У.ХУДОЙҚУЛОВ,**  
Сирдарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

## RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

## ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Кеча Бош прокураторада Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-кизлар қўмитасининг раиси С. Иномова иштирок этди.

Мазкур йиғилишда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда маҳалла имкониятларидан фойдаланишининг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги аҳоли, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ҳамда вояга етмаганлар назоратсизлигининг олдини олиш бўйича комиссия аъзоси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А. Гадейбоевнинг ҳисоботи эшитилиб, муҳокама қилинди.

Мамлакат бўйича 147 та болалар интернатида 31 минг нафар болага таълим тарбия берилмоқда. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили ҳукумат томонидан 1428 минг нафар оилага қарийб 14 млрд. сўм миқдорда нафақа тўланган.

Йиғилишда «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчиликлари болалар жамғармаси масъул ходимлари иштирок эттиди. Улар томонидан «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчиларининг ижтимоий муҳофазасини яхшилаш борасида самарали чоралар кўриб борилган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 3 та махсус мактаб-интернат замонавий биноларга кўчирилган ва хомийлар ёрдамида Хўжайли туманидаги «Меҳрибонлик уйи»га зарур анжомлар етказиб берилган.

## МОҲИЯТ

Таълим билан тарбия ўсимлигининг илдизи, танаси ва япроқлари каби ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирининг тараққиётига ёрдам беради.

«САОДАТНОМА» дан

публикасидаги 3 та махсус мактаб-интернат замонавий биноларга кўчирилган ва хомийлар ёрдамида Хўжайли туманидаги «Меҳрибонлик уйи»га зарур анжомлар етказиб берилган.

Бухоро вилоятида ўтказиб келинган «Мақаблар куни» таълим тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга хизмат қилган. Мақабларга 3 млрд. сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 1760 нафар ўқув-

тақамлаш ва ўқувчиларда ижтимоий фаол хулқи шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатган.

Хоразм вилоятида халқаро хайрия ташкилотлари ёрдамида ногиронлик арава-часига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилган. Болалар спортини ривожлантириш мақсадида Хонка, Богот ва Ҳазорасп туманларида ҳар бири 250-300 млн. сўмлик спорт мажмуалари қурилиши тугатилмоқда.



чига стипендия тайинланган.

Ушбу вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 1500 нафар болага кийим-кечак, оромгоҳларга бепул йўлланма ва моддий ёрдам кўрсатилган.

Қорақўл туманида нафақахўр Юсупов ва тадбиркор Йўлдошев хонадонларида спорт мажмуаси ташкил этиб, 800 нафар ёшлар спортга жалб этилган.

Пешку туманида ўтказилган ҳуқуқий маданият кунлари, ёшлар билан тарихий қадамжоларга, ҳарбий қисмларга саёхат уюштирилиши таълим-тарбияни мус-

Кўрилаётган чораларга қарамадан ижтимоий муҳофазага муҳтож болаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда маҳалла имкониятларидан фойдаланиш, педагог-тарбиячилар фаолияти, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни аниқлашда камчиликлар мавжуд.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳукуматнинг 2002 йилдаги «Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича йўл қўйилган камчиликлар таққид остига олинди.

Йиғилишда мазкур соҳада жойларда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чоралар белгилаб олинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Республика Бош прокураторасининг матбуот маркази





# Мақтублар, шикоятлар, жавоблар

## Жавоб

### ДАРОМАДИ БИЛАН ОЛИНГ

**Самарқанд вилояти Булунгур тумани Ф.Иўлдош ширкат хўжалигида яшовчи О.Эшмуродова тахририятимизга ариза билан мурожаат қилиб, 1990 йилда банкка қўйган омонат пулини ҳозиргача ололмаётганини маълум қилиб, ҳуқуқий ёрдам сўраган эди. Ушбу масала юзасидан тахририят олган жавоб хатида шундай дейилади:**

«Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат халқ банки ариза билан атрофлича танишиб чиқди. Банкнинг Самарқанд вилоят филиалининг тасдиқловчи хатига кўра, фуқаро О.Эшмуродова 1990 йил 2 март куни банкнинг Булунгур туман филиалида омонатга 9 минг 500 рубль қўйиб, 04989 сонли ҳисоб varaгини очган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 ноябрдаги 550-сонли қарорига асосан собиқ Иттифоқнинг «рубль» пул бирлиги бекор қилиниб, республика ҳудудида тўлов воситаси сифатида «сўм-купон»лар муомалага киритилган, бунда 1 рубль — 1 сўм-купон деб ҳисобланган. Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини жорий этишга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги

қарорига асосан 1994 йил 1 июлдан бошлаб республикамизнинг миллий валютаси «сўм» муомалага чиқарилиши муносабати билан аҳолининг омонатлардаги ва қимматбаҳо қоғозларга инвестиция қилинган пул маблағларидаги 1000 сўм-купон 1 сўм этиб қайта ҳисобланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги 54-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларидаги 1992 йил 1 январгача очилган ва 1996 йил 1 январ ҳолатигача амалда бўлган омонатлардаги маблағлар индексация қилинган. Индексация ҳисоб varaқалари 1996 йилнинг 15 февралдан 30 июнига қадар очилган ва омонат дафтарчалари берилган. Сиз ушбу муддатларда банк муассасасига мурожаат қилмаганингиз сабабли мазкур омонатингиз индексация қилинмаган.

Қўриқдиғиларга асосан ўз омонатингизни амалдаги тартиб асосида ўзингизга қулай пайтда фоиз даромади билан олишингиз мумкин.

**Н.ЮЛДАШЕВ,**

**Давлат-тижорат халқ банки раисининг ўринбосари.**

## Миннатдорчилик

### ДИВИДЕНТ ПУЛИНИ ОЛДИМ

Мен «Пахтабанк»нинг Янгийўл бўлимидан бироз акция олган эдим. 2002 йил якуни бўйича 35 минг сўм дивидент чиққан экан. Шубҳасиз, бу ўта кам бўлиб, банкнинг қониқарсиз фаолияти натижаси, деб ҳисоблайман. Чунки молия қонунлари бузилган ҳолда харажатлар ошириб юборилган. Бу менинг шахсий фикрим, албатта.

Ҳисобланган дивидент пулини ҳозирга қадар бермай келингани айниқса алам қилди. Банк мутасаддиларининг изидан саргайиб югуриб юриш жонга тегди. Шу сабабли акциядор сифатида ҳуқуқимни ҳимоя қилишни сўраб, «Ниқоқ» газетаси тахририятига мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Тахририятнинг аралашуви билан дивидент пулини тўлиқ олдим. Шу муносабат билан газета ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдиришни истардим.

Сизларга ижодий муваффақиятлар тилаб

**С.ЖўРАЕВ,**  
Сурхондарё вилояти

ЧУВ ТУШИБ КОЛГАНИМДА...

Қишлоқ одами меҳнатқаш, ишонувчан бўлади. Мен ҳам ана шу ишонувчанлигим туфайли чув тушиб қолдим. Воқеа шундай бўлган: ўтган йили оила аъзоларимиз билан ўз томорқамизга қартошқа экиб, яхшигина ҳосил олдик. Қартошқани шу йилнинг феврал ойигача уйда сақладим ва тирикчиликдан бироз қийналиб қолганлигим сабабли сотмоқчи бўлдим. Бозорга олиб бормоқчи бўлиб турганимда, уйга харидор ўз оғи билан келиб қолди. У билан келишиб ҳар бир килони 120 сўмдан, жами 580 килограмм сотиб олишига келишдик. Шундан сўнг харидор: «Қартошқанингизнинг пулини 15-20 кунда, узоғи билан бир ойда уйингизга келтириб бераман», деб қолди. Мен рўзгоримизга пул зарурлиги учун маҳсулотимизни сотаётганимизни айтиб, унамадим. Шунда харидор:

— Мен Тўрақўрғон туман Давлат солиқ инспекциясида ишлайман. Исмин Фурқат, сизни олдаримдими? Эраққ кишининг гапи битта бўлади, — деб қаттиқ туриб олди. Нуфузли идорада ишлар экан, ваъда бераётай-ку, деб охири рози бўлдим. Яқинда қўлимизга бориб, дардимни кутиб турган турмуш ўртоғим, балаларимнинг кутавериб хафсаласи пир бўлди. Уларнинг хафа бўлганча бор экан. Мен уни ахтариб уйига, идорасига боравериб чарчадим. Шундан сўнг «Ниқоқ» газетасининг Наманган вилоятидаги вакили А.Мадаيوف қабулхонасига бориб, дардимни айтдим ва ёзган аризамни топширдим. Орадан 2 кун ўтиб Фурқат Лутфуллоевнинг ўзи мени ахтариб, уйимга келиб олган қартошқанининг пулини тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб қолди. «Ниқоқ» газетасининг тахририятига ўзим ва оила аъзоларим номидан миннатдорчилик билдираман.

**И.ТУРСУНОВ,**  
Наманган вилояти

## Газетхон илҳоми

Кону бизга ўйла-қиздек азиз мулк,  
Она Ватан каби буюк, лазиз мулк.  
Бизларни ҳимоя этмоққа қодир,  
Муस्ताқил ҳарита кўрку-файз мулк.

Юсак масбуляят сезсанг бурчинга  
Барака қўшилур умру-кучинга.

Ўзбек деб аталган ҳақ-ҳуқуқим бор,  
Мени ҳеч ким маҳрум этолмас синҳор.

Ҳуқуқни ягона дўст деб биламан,  
Умримга вобаста сабоқ оламан.

Ҳуқуқни ҳимоя этмоқ бурчимиз,  
Ҳуқуқда жамул-жам барча кучимиз.  
**Ҳ.ОТАҚУЛОВ,**  
Бекобод тумани

## Нуқтаи назар

### ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ, АЁЛЛАР!

Ислам илмининг асосчиси бўлмиш Пайгамбаримиз Ҳадисларида аёл зотига катта ҳурмат ва эътибор билан қаралиб, эъзоз-таъдир келинган. «Жаннат оналар оғи остидадир», деб беҳиз айтилмаган. Хонадонимиз фариштаси, авлодларимиз давомчиси бўлиши оналаримизни, опа-сингилларимизни ҳар қанча ҳурмат қилсак, уларга меҳру эътибор кўрсатсак шунча оз. Мен бир талаба сифатида газета ва журналларда эълон қилинаётган хабар ва мақолаларни қизиқиб ўқиб бораман. Муस्ताқил Ўзбекистонимизда бўлаётган ўзгаришлар, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида олиб борилаётган ишлардан қувонаман, келажакка ишончим ортиб боради. Кейинги вақтларда матбуотда ана шундай мақолалар қаторида дилни ранжитадиган, ташвиш соладиган айрим лавҳаларни ўқиб

ёқа ушлайсан. Аниқроғи, айрим нопок кимсаларнинг гапига учиб, алданган, таҳрирланган ўзбек хотин-қизлари, аёллари ҳақида ўқисанг дилинг хуфтон бўлади. «Ниқоқ» газетасининг доимий муҳлисима. Ҳар сонини қолдирмай ўқиб бораман. Газетанинг 24 март сониди Жиззаҳ вилояти прокурори ёрдамчиси Раҳматилла Мамарасулов ва журналист Наргис Қосимоваларнинг «Алданган аёллар қисмати» мақоласини ўқиб дилмида қандайдир ачиниш билан бирга ғазаб туйғулари тугён урди. Наҳотки, аёлларимиз «яхши иш», мол-давлат деб шу қўйларга тушсалар. «Ўзбек аёли» деган муқаддас номни поймол этсалар. Бирники минга деб шунга айтсалар керак-да...

## «САРСОНГАРЧИЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?»

«Ниқоқ», 2004 йил 5-сон

Адлия вазирлиги ҳузурдаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Фарғона вилоят ҳудудий бўлими Самарқанд вилоятидаги «Шахло» фирмаси директори Х.Авазовнинг суд қарори ижро этилмаётганлигидан норози бўлиб, «Сарсонгарчиликнинг чеки борми?» номли мақоласидаги ҳолатларга асосан текшириш ўтказди.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туман қарор судининг 2003 йил 22 августдаги ҳал қилув қарорига асосан қарздор Мингбоев Улугбекдан даъвогар «Шахло» фирмаси фойдасига жами 10 млн. 741 минг сўмдан ошқ пул суммаси ундирилиши лозим бўлган. Қўқон шаҳар суд ижрочилари томонидан дарҳол мажбурий ижро ҳаракатлари олиб бориш чоралари кўрилиб, ундиришни қарздорнинг мулкӣ ҳолатига қаратиш мақсадида унинг яшаш манзили бўйича, яъни Қўқон шаҳар Амин Умарий кўчаси 25-уйдаги мол-мулкӣ текширилган ва жалолатнома тузилган. Шу билан бирга тегишли муассасалардан жамғармаси, сугуртаси, қўшимча уй-жойи йўқлиги ҳақида маълумот олинган. Лекин кейинчалик аниқландики, ҳал қилув қарори кучга кириши билан Данғара туман ДНИ томонидан ҳаёда шартномасига асосан ВАЗ 2103 русумли автомашина қарздорнинг укаси номига ўтказиб берилган.

Ушбу маълумотдан кўришиб турибдики, суд ва даъвогар томонидан ижронини таъминлаш масаласи ҳал этилмагани ва ФПКнинг 248-249-моддаларига эътибор берилмаганлиги оқибатида қарздорнинг муқаддам мавжуд бўлган мулкӣлари унинг ўзи томонидан онгли равишда йўқотилган.

Шу боис, қарздор У.Мингбоев томонидан суд қарори бўйича сумма ундирилишини билгани ҳолда қасддан бошқа шахс номига ўтказилганлиги учун мазкур автоматинга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақида Фарғона вилоят ИИБ ЙХБга қузатув хати юборилган. Чунки қарздор машинасини ўтказиб берган укасининг яшаш манзили текширилганида автомашина йўқлиги аниқланган.

Бундан ташқари, суд ижрочиларининг Қўқон шаҳар бўлими томонидан шу куни фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманларо судига қарздор ва унинг укаси ўртасида тузилган ҳаёда шартномасини бекор қилиш ва ундирувни айнан ушбу автомашинага қаратиш масаласини ҳал этиш ҳақида мурожаат қилинган.

Ҳозирда қарздор У.Мингбоев ҳеч қандай ишламаётганлиги сабабли уни ишга жойлаштириш ҳамда ундирувни ойлик иш ҳақига қаратиш чоралари ҳамда қидирув натижалари бўйича ундирувларни ҳал қилиш чора-тадбирлари кўрилаётганлиги, ижро ҳужжатининг бажарилиши ҳудудий бўлими ижро масалалари бўйича бош инспектори назоратига олинганлиги маълум қилинади.

**Ш.АХМАДҚУЛОВ,**  
Департаментнинг Фарғона вилоят бўлими бошлиғи

## Муштарий савол беради

### ҲАММА МАНФААТДОР-КУ...

Хурматли тахририят!  
Бундан 4 йил илгари пластик қарточка муомалага чиққанида мен биринчилардан бўлиб ундан фойдалана бошлаганман. «Миллий банк» билан тузган шартномамга асосан ҳар ойда 3 фоиз фойда олишим керак эди. 2003 йилнинг учинчи чорағига қадар банк менга 3 фоиздан даромад тўлаб келди. Банк ходимлари йилнинг 4 чорағига келиб мени оғохлантирмасдан даромаднинг 2 фоизга тушириб қўйишди. Шундан кейин мен жамғармаларимни «Пахта банк»нинг Урганч шаҳар бўлимида сақлашга қарор қилдим. Лекин улар жамғарма ва дивидентларимни пластик қарточка орқали ўтказилса, умумий қийматнинг 4 фоизини банкка тўлайсиз, деб айтишди. Бу тартибга тушунмай қолдим.

Дивидент ва маошларимизни кўпроқ фоиз пул тўлайдиган бошқа банкларга ўтказишга мажбур бўлсак, нега маблағимизни сақламоқчи бўлган банкка фоиз тўлашимиз керак. Ахир жамғармаларимни банкда сақлаганим учун нафақат биз, балки банклар, қолаверса, мамлакатимиз ҳам фойда кўради-ку?

Ушбу масалани ойдинлаштиришда ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

**Б.ИБРАГИМОВ,**  
Хоразм вилояти, меҳнат фахрийси

Яхшиямки, қонун-қонда бор. Бўлмаса, Жиззахлик Лилия Аҳмедова қанчадан-қанча қизларни «йўлдан уриб», уларнинг ҳаётларига зомин бўларди.

Вақти-вақти билан шундай мақолаларнинг бериб борилиши фойдадан холи эмас, деб ўйлайман. Унаб адашган, фирибгарлар тузоғига ялинганлар қисматини ўқиб, бу ишга мойил ёшларимиз тўғри йўлни танлаб олсалар. Ўзбеклар зурриёди бўлган Нодирабегим, Бибиқоним, Қумушбибилар авлодидан эканликларини эсларига солса. Мен баралла «Ўзингизни асранг, аёллар» дегим келади.

**Самандар РАЗЗОҚОВ,**  
ТДЮИ талабаси



## TURMUSH CHORRAHALARIDA...



Исон сабр-қаноат билан иш тутиши лозим. Йўқса Светлана ва унинг фарзандлари Даря ва Галинанинг тақдирини бу қадар аянчли кечмасди. 1987 йилда онасининг вафотидан сўнг отаси бошқа аёлга ўйланиб ўйдан чиқиб кетди. Светлана отасига қарашли Чилонзор тумани 16-мавзеддаги 2 хонали ўйда болалари билан яшай бошлайди. Аммо яшаш билан яшашнинг фарқи бор-да. Аёлниң эътиборсизлиги, амал-тақал кун ўтказиш илинжида яшаётганлиги, қийинчиликларни енга олмаганлиги сабаб ҳаёт тўфонлари уни ўз гирдобига олади.

жойни 1999 йилнинг декабр ойида Б.Амировга сотади ва бу ҳақда Тошкент шаҳар нотариуси А.Намозов хузурида 4784-реестр билан олди-сотди шартномасини расмийлаштиради. Турар-жойнинг иккинчи мартаба сотилишидан яна кимлардир манфаатдор

Дунёда яхши инсонлар кўп. Қўлларидан келгунча бегона-ми, танишми, ёрдам бериб ҳожатбарорлик қилишади. Албатта, ҳолисона кўмак беришни саваб дейдилар. Лекин «саваб» никоби остида нафс балосига йўлиқиб, фирибгарлик йўли билан нотопабатганларни ким деб таш мумкин?

## УЧ ИНСОН ҚИСМАТИ

Расмийлаштирилмаган никоҳдаги турмуш ўртоғи билан иккинчи фарзанди туғилгандан сўнг оиладаги етишмовчилик сабаб кундалик жанжаллар ўзаро адоватга айланади. Эридан узоклашиш мақсадига Светлана яшаб турган уйни сотиб, бошқа жойдан квартира олишга қарор қилади. Унинг бу дардига таниши Н.Варакина дармон бўлади. Н.Варакина Чилонзор тумани 16-мавзе, 2-уй, 60-хонадоннинг бошқа ҳудуддаги турар жойга айирбошлаш ишларини ўз зиммасига олишга ваъда беради. У Светлананинг отаси номидалиги учун ишончномани расмийлаштириш зарурлигини айтиб, унга ёздириб олади. Алдовни сезмаган Светлана Н.Варакинага тўлиқ ишониб, отасини бунга кўндиради.

Хуллас, Н.Варакина ўзининг навбатдаги кўштирноқ ичидаги саваб ишларини бошлайди. 1999 йилнинг октябр ойида Н.Варакинанинг «меҳнати, ишонишлари» зое кетмайди. Шу ойда Светлана, отаси, ўғай онаси Н.Варакина билан Яқкасарой туманидаги 1-нотариал идорага боришади. У ерда берилган қозғоларга ота-бола ўқимай имзо қўйишади. Н.Варакинага айнан шу керак эди. Яна С.Пусикова ва унинг отасидан 300, 700 АҚШ доллари ҳисобида пул олганлиги ҳақида уша ернинг ўзида тилхат ёздириб олади. Оқибатда Н.Варакина уйни сотиб, ўз ваъдасини бузиб, ота-болага пулни қайтармайди, янги турар жой ҳам олиб бермайди.

Светлана ва унинг воғая етмаган болалари бошланасиз қолаётганлигини фирибгардан бошқа ҳеч ким билмасди. Уй тақдирини Тошкент шаҳар нотариуси А.Низомов томонидан 1999 йил 20 октябрда Светлананинг отаси В.Пусиков ўзига қарашли бўлган турар-жой олди-сотдиси билан шуғулланиш юзасидан М.Толибоевга берган ишончнома асосида расман ҳал этилади. М.Толибоев эса, маълум турар-

бўлиши. Ҳужжатлар расмийлаштирилган. Б.Амиров фуқаролик ишлари бўйича А.Икромов туманлароқ судининг 2002 йил 30 сентябрдаги сирдан чиқарган қарори билан хонадондан уй эгалари Пусиковларни чиқариб юборади, сўнг ўша йилнинг декабр ойи бошида ўзининг ишончли вақили, Сирғали туманида яшовчи Дилафрўз Набиева орқали хонадонни Р.Холиқовга сотиб юборади. Шу тариха хонадонни учинчи эгаси сотиб олади.

Светлана кишининг қаҳратон соғувида болалари билан қўп қаватли биноларнинг ертўзаларида, ташландик жойларда усти юпун ҳолда яшаб келади. Иссиқ ўйда, оила даврасида дарс тайёрлаш Светлананинг фарзандлари Даря ва Галинага етиб бўлмас орзуга айланадиган бўлган эди. Бу орада она ичкиликка муқдасидан кетиб, болаларини тиланчилик қилишга мажбурлаб, топиб келган пулига кун ўтказиб юради.

Қарийб 3 йил болалари билан кўча-кўйда яшаб келаётган Светлана спиртли ичимликларни истеъмол қилиши оқибатида шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини ҳам йўқотадди.

Ниҳоят Чилонзор туман прокуратураси бу ҳолатни кўриб чиқади. Светлананинг болалари 66-махсус мактабда ҳисобда бўлса-да, мактабга қатнамай қўйган эди. Шунинг учун прокуратура Светлана-нинг ўз болаларини мунтазам равишда тиланчилик билан шуғулланишга мажбур этаётганлигини эътиборга олиб, уни МЖТКнинг 118-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатди ҳамда онасидан болаларни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритди. Даъво қаноатлантирилиб, Даря ва Галина меҳрибонлик уйига жойлаштирилди. Болалар энди ишончли кўлларда, қорни тўқ, усти бут, бир пайтлари ўзлари орзу қилган озода жойда яшамокда.

«Ишим битди, эшагим лойдан ўтди» қабилида яшаб келган Н.Варакина ҳам уйни сотиб, кўздан ғойиб бўлган эди. Яхшиларнинг маслаҳати билан Пусиковлар иш юзасидан туман прокуратурасига тушунтириш бериб, Н.Варакина томонидан турар-жойнинг айирбошланишига рози бўлганликлари, ҳужжатларини расмийлаштириш билан эса Н.Варакинанинг ўзи шуғулланганлиги, ҳатто ўзлари берган ишончнома ҳақиқатда М.Толибоев номига ёзилганлигини билмаганликларини кўрсатиб ўтишган.

Пусиковларни умуман кўрмаган «ишончли вақил» М.Толибоев ҳам 1999 йилда «маклерлар» бозорига ишлаб юрган вақтда паспортини «Бахтиёр» исмли таниши олиб турганлигини билдирган, ана шу паспорт асосида М.Толибоев номига ишончнома расмийлаштириб қўйлаверган.

Ишончнома бир гуруҳ шахслар томонидан алдов йўли билан тузилганлиги кўриниб турибди. Туман прокуратураси томонидан Чилонзор даҳаси 16-мавзесидаги 2-хонали турар-жойнинг олди-сотдиси ҳақида тузилган барча битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво аризаси киритилди.

Н.Варакинага нисбатан фирибгарлик билан шуғулланганлиги учун жиноят иши қўзғатилди.

Ҳаёт курашдан иборат, кимдир тўғри, ҳолис йўлдан, яна кимдир нопок, қабих йўлдан юради. Ўзида шижоат, яхшиликка интилиш, яшашга қизиқиш бўлганида Светлана ҳам меҳнат қилиб, икки норасида боласини бағрида улайтириб, орзу-ҳавасга эш бўлиб юрар эди. Варакинага ўшаганлар нафсини жиловлаганида, кимдир зор қақша-тиш ўрнига, ҳалол меҳнат қилганида суднинг қора курсисига ўтирмаган бўларди.

З. ИБРАГИМОВ,  
Чилонзор туман прокурори

## SAVODXONLIK

## ПРОЦЕССУАЛ ҲУҶЖАТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР, УЛАРДА ЮРИДИК АТАМАЛАРДАН ТЎҒРИ ФЙДАЛАНИШГА ДОИР ФИКРЛАР

(Давоми. Бошланғич ўтган сонда).

2. «Ваконат» — «Функция». Бу атамалар ҳам амалиётда аксарият ҳолларда ўз ўрнида ишлатилмайди, бир-бири билан алмаштирилади. Улардан тўғри, ўз ўрнида фойдаланиш мазкур атамаларнинг маъносини тўғри тушунишни талаб қилади. «Ваконат» — «иш қилиш, фаолият юритиш учун берилган ҳуқуқ» (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-т. 171-бет). «Функция» — «фаолият, вазифа, хизмат» (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-т. 308-бет).

Мазмун, маъноси жиҳатидан «Функция» «ваконат»га нисбатан кенг маънода ишлатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, (функцияси) белгиланган. Асосий йўналишларни амалга оширишда прокурорнинг ваколатлари — қонуннинг «Прокурор назоратини» белгилловчи III бўлимида ўз ифодасини топан: қонулар ижроси устидан назорат фаолиятини амалга оширишдаги прокурор ваколатлари—22-модда; жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонуларнинг ижро этилиши устидан назорат бўйича прокурор ваколатлари — 28-моддада в.х. Демак, «функция» атамаси — фаолият, хизматни ифодалашда, «ваконат» атамаси — шу фаолият, хизматни бажаришни таъминлашда қўлланиладиган ҳуқуқ, унинг доирасини ифодалашда ишлатилиши лозим.

3. «Жиноят иши» — «Жиноий иш». Айрим ҳолларда процессуал ҳужжатларда, мақолаларда, ҳатто Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларида «жиноят иши» атамаси ўрнига «жиноий иш» атамаси ишлатилиб келинмоқда (масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг «Химоя ҳуқуқини таъминловчи қонуларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 1996 йил 20 декабрдаги 41-қарорнинг IX бандида; «Жиноий жазо қораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзга келган айрим масалалар ҳақида»ги 1999 йил 14 майдаги 11-қарорнинг 4-бандида «жиноий ишлар» атамаси ишлатилган).

Фикримизча, мазкур атамаларнинг мазмун, маъноси жиҳатидан бир-бирдан фарқи катта.

«Жиноий иш» — бу жиноятга оид, жиноят билан боғланган, жиноятдан иборат бўлган ҳаракат (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-т. 281-бет).

«Жиноят иши» — Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган сабаб ва асослар маъжуд бўлган тақдирда суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда расмий равишда қўзғатилиб, жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча қораларни қўришни таъминловчи процессуал ҳаракатлар натижасида тўпланган далиллар ва иш учун аҳамияти бўлган маълумотлар мажмуи.

Жиноят-процессуал қонунчилигида фақат «жиноят иши» атамаси назарда тутилган, шу сабабли жиноятга оид қўзғатиладиган, тергов олиб бориладиган, судда қўриладиган иш — «жиноят иши» атамаси билан номланган, бинобарин, шу атамдан фойдаланиш тўғри ҳисобланади, қонун талабига мос келади.

4. «Инстанция» — «босқич» атамалари ҳам бир-бирдан фарқ қилади. Улар ҳам тўғри тушунилиши ва ўз ўрнида тўғри ишлатилиши зарур. Амалиётда бу атамалардан айрим прокурор-тергов ҳодимлари томонидан, шунингдек, баъзи расмий ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам нотўғри фойдаланиш ҳоллари маъжуд. (масалан, «Биринчи босқич суди», «кассация босқичи суди» каби атамалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-қарорига ишлатилган). Юқорида номланган атамалардан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

Жиноят процесси — тергов, прокуратура, суд органларининг жиноят ишлари бўйича одил судлов вазифасини бажариш учун қонунда белгиланган процессуал шаклда жиноят ишларини тергов қилиш, қўриш ва ҳал қилишга қаратилган фаолияти. У 8 босқичдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда унинг асосий ва марказий босқичи — ишни мазмунан қўриб, жиноий жавобгарликка тортилганларнинг айбли-айбсизлигини, айбдорга жазо қўллаш масаласини ҳал қиладиган суд — «биринчи инстанция суди», унинг қонуний кўчга кирмаган ҳукми ва ажримларининг асослигини, қонунийлиги ва адолатчилигини (протест ёки шикоят бўлган тақдирда) текшириш суди — «апелляция инстанцияси суди» (ЖПК 55-боб), қонуний кўчга кирган ҳукм ёки ажрим устидан берилган протест ёки шикоятни қўриб чиқадиган суд — «кассация инстанцияси суди» деб номланади (ЖПК 56-боб). Қонунда «биринчи босқич суди» атамаси назарда тутилмаган. Демак, «биринчи босқич суди», «кассация» ёки «апелляция» босқичи суди атамаларини ишлатиш нотўғри бўлиб, «инстанция» атамасидан фойдаланиш лозим.

Жиноят-процессуал кодекси белгиланган қоидаларга мувофиқ жиноят ишини қўриш ва ҳал қилиш учун ўтказиладиган суд мажлиси: суд мажлисининг тайёрлов қисмидан (ЖПК 51-боби), суд тергов қисмидан (ЖПК 52-боби), тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзи қисмидан (ЖПК 53-боби), ҳукм ёки ажрим чиқариш қисмидан (ЖПК 54-боби) иборат. Шунга қарамадан айрим ҳолларда суд мажлисининг қисми «босқич» деб ишлатилиб келинмоқда.

Юқорида кўрсатилган қонун талабларига кўра «инстанция», «босқич» ва «қисм» атамалари тўғри ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим.

5. «Квалификация», «тасниф», «маलाка». Содир этилган айбли ижтимоий ҳавфли қилимиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиқнинг) у ёки бу жиноят тарихи аломатларига тўғри (мос) келишини аниқлаш, яъни жиноятга Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан баҳо бериш амалиётида «жиноятни квалификациялаш», «жиноятни тасниф қилиш», «жиноятни малакалаш» атамаларини ишлатиш билан ифодаланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қатор қарорларида: 1995 йил 27 октябрдаги 21-қарорда «квалификация» атамаси, кейинги қарорларида эса — «тасниф» атамаси ишлатилмоқда.

(Давоми келгуси сонда).

А. ДАВЛЕТОВ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист,  
Қорақалпоғистон Республикасида  
хизмат кўрсатган фан арбоби, доцент



**Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги қонунбузарликларнинг олдини олишда, давлатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу саҳифада СВОЖҚК органларининг кенг қамровли фаолиятдан айримлари ҳақида материаллар берилмоқда.**

**Навоий вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан ҳам вилоят ҳудудида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.**



**Баҳром ЯКУБОВ,**  
Навоий вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғи

Хусусан, ўтган йилда бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 163 та жиноят ва 868 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўриб чиқилди. Давлат бюджетига жами 1 млрд. 812 млн. 930 минг сўм ортиқча маблағ ҳисобланди ва унинг 1 млрд. 556 млн. 828 минг сўми ундирилди.

Ўтказилаётган текширишлардан маълум бўлаётгани, корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари иқтисодга оид қонунларни, ҳуқуқ қарорлари талабларини му-

ҳолат бўйича маъмурий иш кўзга тутилган ҳамда 1 млрд. 176 млн. 784 минг сўмлик нақд пулнинг ноқонуний айлиниши аниқланган.

Жумладан, Навоий шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Рустам-бобо» хусусий фирмаси жами 11779,7 минг сўмлик товарларни улгуржи

2003 йилда қўшимча ҳисобланган солиқ ва жарималардан 29,1 млрд. сўми ундирилди. Ҳуқуқбузарлардан давлат эгалигига ўтказиш учун олиб қўйилган 7,5 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлардан 5,2 млрд. сўмлик белгиланган тартибда сотилиб, пули бюджетга ўтказилди.

Қонунга хилоф равишда фаолият кўрсатаётган 720 та яширин цех фош этилди.

Валютага оид 988 та қонунбузулиш ҳолати аниқланиб, 482 та жиноят, 506 та маъмурий иш кўзга тутилди. Ноқонуний муомалада бўлган 586,871 АҚШ доллари, 7.400 АҚШ долларлик «American express» йўл чеklangи, 192,7 млн. сўм, 452,2 Россия рубли, 701,5 Қозоғистон тенгеси, 123,961 Қирғизистон сўми ва 1.970.790 Туркменистон манати олиб қўйилди.

9.762.293.000 сўмлик солиқларнинг ихтиёрий равишда тўлалишига эришилди.

Мамлакатимизнинг солиқ тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Солиқка оид қонунларнинг аниқ бажарилишини, давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ундирилишини таъминлашда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бошқарма ва бўлимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

унон маъмурий жавобгарликка тортилган экан. У бундан сабаб чиқармади. Айни кунларда бу ҳолат бўйича тергов давом этмоқда.

Бухоро вилоятининг Ромитан туманида яшовчи Алишер Файзуллаев эса Тўрткўл туманидаги «Мухтор» хусусий фирмасига тегишли юк автомашинасида 2000 қути «Pine» сигарети, 4 дона «LG» рангли телевизорни қонунга зид равишда олиб ўтишни мўлжаллади. Бунинг учун эса ИПҲда турган ҳуқуқ-тартибот ходимларини чалғитиш зарур. Нима қилмоқ керак?

## МАҚСАД— ЖАЗОЛАШ ЭМАС

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси ходимлари томонидан ўтган йили 196 та жиноят иши кўзга тутилган. Жиноят ишлари бўйича 77,5 млн. сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, бюджетга 90 млн. 703 минг сўмдан кўпроқ пул ундириб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 26 та жиноят иши кўзга тутилди. Мазкур жиноят ишлари бўйича давлат бюджетига 32,2 млн. сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, 529 млн. сўмликка яқин жарима қўлланилди. Масалан, Қўнғирот туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари тезкор маълумот асосида туман марказидаги С.Алланиёзов кўчаси 2-уйда яшовчи Клара Бобониёзова хонадонни текширилганда ноқонуний равишда сотишга мўлжалланган 180 литр спиртли ичимликлар топилди ва ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Маълум бўлишича, Клара илгарги ҳам қонунга зид «тадбиркорлиги»

Алишер учун бунга ҳам чора топилгандай эди. У автомашина бортири шоли кепасига тўдириб, сигарет ва телевизорни унинг ичига яширди.

Лекин, ходимларимиз аниқ эмас. «Мискин» постиди А.Файзуллаев ушланиб, удабуроннинг режиси чиппака бўлди. Тахиятошлик Роза Нурсултонбоева эса ноқонуний даромд топилшини бошқача йўлини танлаган экан. У харидор Зебо Сарикулловага 70 минг қозоқ тенгесини, 100 АҚШ долларини сотаётганида қўлга тушди.

Қонунга зид ҳаракат қилган ҳар бир фуқаро тегишли жазага тортилишига шубҳа йўқ. Ниятимиз эса кимларинидир жавобгарликка тортиб жазолаш эмас, фуқароларнинг қонунларга риоя этишларини таъминлашдир.

**Султон ҚУРБОНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғи

## ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

каммал билмаслиги, молиявий бошқариш борасида ишни тўғри ташкил этмаганликлари оқибатида корхона молиявий аҳолининг оғирлашишига, ишлаб-чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш учун зарур бўладиган соф фойданинг камайишига, дивидендларнинг тўланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Ташки иқтисодий фаолият миллий банкининг Қизилтепа туман бўлими ходимлари хусусий тадбиркор Р.Тошев номидан иш юритиб, 562,0 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўланмай қолишига сабабчи бўлганлар ҳамда хусусий тадбиркор томонидан олинган 1300,0 минг сўм миқдоридagi кредит суммаси фойзаларини банк хазинасига қирим қилмаганлар. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тутилди, иш судда кўриб чиқилди ва айбдорларга қонуний жаза берилди.

Навоий Иссиқкўл электр станциясида ўтказилган текширишда эса корхона томонидан 41459,6 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар қасддан тўланмаганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тутилди. Корхона маблағини «тежаган» айбдорларнинг қилмишларига эса суд томонидан қонуний баҳо берилди.

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан валюта маблағларининг ноқонуний айлиниши, «қора бозор»да нақд валюта маблағларининг сотилиши юзасидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида жами 30 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Шуларнинг 17 таси бўйича жиноят ва 13 таси юзасидан маъмурий ишлар кўзга тутилган. Ҳуқуқбузарлардан 38000 Россия рубли, 18910 АҚШ доллари, 5000 Қозоғистон тенгеси, 1600 АҚШ долларидаги товар-моддий бойликлар ва 119800 сўмлик, 103 грамм олтин кўми далилий ашё тарақасида олинди, давлат ҳисобига ўтказилган.

Бундан ташқари, ноқонуний нақд пул айлиниши, товарларни улгуржи сотиш тартибини бузиш, товарларни нақдлаштириш ҳолатларини аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 120 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 26 та ҳолат юзасидан жиноят иши ва 94

сотиб, тушган маблағларни назорат касса машинасида қайд этмасдан, нақд пулларни банкка топширмаган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши кўзга тутилди, фирмага нисбатан жарима жазоси қўлланилган.

Яширин цехлар фаолиятини фош этиш борасида 50 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, шундан 7 та ҳолат юзасидан жиноят иши, 47 та ҳолат бўйича маъмурий ишлар кўзга тутилган ва 2 млн. 785 минг сўмлик далилий ашё олинган.

Бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этилишида жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органларини, хусусан, маҳалла оқсоқоллари, участка солиқ инспекторлари ва ИИБ органларининг таъсири сезилмаяпти. Жумладан, қизилтепалик Л.Саъдуллаев ҳеч бир ҳужжатсиз ва ўзи яшаётган ҳовлида ноқонуний равишда 30 тонна оҳак ишлаб чиқариб, туман газ таъминоти корхонасига 194,4 минг сўм зарар етказган.

Кармана туманида яшовчи У.Пўлатов эса ўзининг уйда қўлбола ароқ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, қопқоқларга қалбаки акциз маркаларини ёпиштириган. Унинг қўлбола цехидан 114,8 минг сўмлик спирт далилий ашё тарзида олинган.

Юқоридagi ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилган.

Жойларда прокуратура ва солиқ ходимлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, иқтисодиёт ва солиқ соҳасида жиноятлар содир этишининг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда солиқлар ва йиғимларни ижтимоий аҳамиятини тушунтириш борасида ўтган йилнинг ўзига 1265 тадан ортиқ тадбир ўтказилган. Ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида солиқ тўловчилардан давлат бюджетига 257 млн. 182 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларнинг ихтиёрий тўлалишига эришилди.

Бугунги кунда ҳам бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан солиқ ва иқтисодий соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш борасида аниқ чора-тадбирлар асосида иш олиб борилмоқда.

**Қилинмаган ишларни қилинди, деб давлат идораларини алдаб келаятган айрим корхона раҳбарлари ҳамон учрамоқда. Улар қонунларни ҳаспўлаб, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш билан шуғулланиб, давлатга катта миқдорда зарар келтирмоқдалар.**

Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚКнинг туман бўлимлари томонидан ўтказилган тадбир натижаларига назар ташлайлик. Бошқарманинг

ерга экилиши зарур бўлган 15 минг килограммдан ортиқ дориланган бугдоғ уруғи ва минерал ўғитларнинг ҳозиргача омборда сақланиб келинаётганлиги ҳар қандай киши-

хонасига етказиб бериш мажбуриятини олган ҳолда, атиги 20 гектар майдонда галла етиштирилган, холос. Натижада шартнома шарти бажарилмай «Тошкентгурунч» корхонасига зарар етказилган.

Шу ўринда минерал ўғитларни ноқонуний сотиш, сотиб олиш, қолаверса «ўғитфурушлик» билан шуғулланаётган «тадбиркорлар» ҳақида ҳам гапириб ўтмоқчимиз.

## ҚОНУННИ БУЗАДИНГМИ?

Пискент туман бўлими ходимлари шу тумандаги собиқ «Қирққизобод» ширкат ҳўжалиги ҳужжатларини таҳлил қилишганида қутлиланган маълумотга дўч келишди. Ширкат туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда давлат статистика бўлимига 2003 йилнинг куз фаслида 2004 йил ҳосили учун жами 750 гектар майдонга бошқоқли дон экилганлиги ҳақида расмий маълумот беришган. Аслида эса ҳисоботда кўрсатилган 750 гектар ўрнига 610 гектар майдонга бошқоқли дон экилганлиги аниқланди. Қолган 140 гектар майдон ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Ҳўжалик омборхоналарида назорат текшируви ўтказилганда юқоридagi ҳолат ҳолва бўлиб қолди. Чўнки 2003 йилда 140 гектар

ни ёқа ушлашда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, агар 15 тонна уруғ 140 гектар майдонга экилганда, ундан 400 тоннага яқин дон олиниши мўмкин экан.

Бошқарманинг Бўка туман бўлими ходимлари томонидан «Дада шодмон» фермер ҳўжалиги фаолияти текширилганда ҳўжаликлар товузилган шартнома бажарилиши ўлда-жўлда, ердан палапартишлик билан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланди. Ҳўжалик раҳбарияти томонидан «Тошкентгурунч» корхонаси билан тузилган шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаган. Бўнга сабаб белгиланган ерга ҳосилни экилманганлигидир. Ҳўжалик томонидан 80 гектар майдонга галла экилиб, олинадиган умумий ҳосилдан 60 тоннасини «Тошкентгурунч» кор-

Бўка тумани «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган «Мансур» фермер ҳўжалиги таъминотчиси ана шундай «учарлардан экан. У ишонч қозоғи билан олинган «Мансур», «Шосаид» ва «Камрон» фермер ҳўжаликларига тегишли бўлган, умумий баҳоси 635759 сўмлик минерал ўғитларни бошқа жойга олиб борган вақтида қўлга олинди.

Юқорида келтирилган ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзга тутилди, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Илҳом ЛАТИПОВ,**  
Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғи ўринбосари

### ҲИСОБДА ЙЎҚ ТОВАРЛАР

Яқинда Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармасига тушган тезкор маълумот асосида Мировот туманидаги «Истиклол» дўконда фаолият кўрсатаётган «Бек Абдулазиз» хусусий корхонаси ва «Малҳам сервис» МЧЖга қарашли дўконларда текшириш ўтказилди.

Маълум бўлишича, «Бек Абдулазиз» ХК дўкони мудири М.Сулаймонов тегишли ҳужжатлар ва сифат сертификатига эга бўлган чет элда тайёрланган 20 млн. 151 минг 100 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб олиб, бухгалтерия ҳисоботларига қирим қилмасдан савдога чиқарган экан. «Малҳам

сервис» МЧЖга қарашли дорихона ва озиқ-овқат дўкониди ҳам бухгалтерия ҳисоботларида кўрсатилмаган 12 млн. 742 минг 131 сўмлик товарлар мавжудлиги аниқланди.

Ўтказилган тадбир давомида иккала корхонага тегишли ноқонуний таразда савдога чиқарилган умумий қиймати 32 млн. 893 минг 231 сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

**Қ.ТОШМУРДОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси катта инспектори

BIR TERGOV TARIXI

ИИБга кириб келган аёл навбатчи сержантга «Ўғлим йўқолиб қолди, илтимос уни топишда ёрдам беринглар!» деб йўғлайвериб қизариб кетган илтижолу кўзларини қадади. Бундай жабрдидаларни кўравериб кўзи пишиб кетган навбатчи йигит аёлга юзланди. — Энг аввал нима гаплигини ётиги билан тушунтиринг, акс ҳолда сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

эди, сизни ўша йигит билан адаштирибман. — Гаплашиб олсак бўладими? — Албатта, марҳамат, уйга киринг, — таклиф қилди Альбина. Маҳкамов ичкарига кирар экан, аввало ўғлининг безатилганига, ундаги жиҳозларга синчковлик билан разм солди. «Боланинг ота-онаси у даражада бадавлат эмас, демак бу жиноят пул ундириш мақсадида содир этилмаган...». — Марҳамат, ўтиринг, — деди аёл.

дан буён ёлғиз ўғлидан дарак бўлмаса-ю, бу хонимча...». Кунлар ўтиб борар, болақай ҳақида ҳеч қандай дарак йўқ эди. — Маҳкамов, сени бошлиқ йўқлапти... — ҳамкасбининг суздан бироз хавотирга тушган Маҳкамов полковникнинг хонаси томон йўл олди. — Киришга... — Киравер, — Одилов ходимнинг гапларини охиригача эшитмай гапини бўлди. — Уш, ўртоқ катта лейтенант, шу кунлар ичида нечта жиноят ишини очиб

навбатчи йигит бўлиб юборди. — Нима гап, сержант? — Сизни бошқарма бошлиғи сўрапти... — Майли, ҳозирча гапни шу ерда тугатамиш. Сендан тезроқ яхши хабар эшитишни истайман. Одилов шундай дея хонадан чиқиб кетди. Маҳкамов Альбина, унинг эри, қўшни аёллар ва Артурни таниган-билган одамлар билан ўтказган суҳбатини бир-бир ҳаёлидан ўтказди. «Одиловнинг гапларида жон бор, чиндан ҳам вақт ўтапти. Тезроқ ишни

мумкин эмас, қандай қилиб?... — Узингизни қўлга олинг. Қотилин кўрган гувоҳлар бор. Ҳозир биргаликда уларнинг ёнига борамиз. — Мен нима қиламан у ерда? — Гувоҳлар билан аввал сиз гаплашасиз. Сўнгра сизни қотил билан юзлаштирамиз. — Йўқ, мен ҳеч қаерга бормайман... Маҳкамовнинг айёрлик билан бошлаган режаси қутилганидек натижа бераётганди. — Гапни айлантирманг, юзлашишдан бош тортсангиз жиноятчи билан тилингиз бир деб ҳисобланиб, сиз ҳам жавобгарликка тортиласиз. Гап шундаки, қотил ўғлингизнинг мурдасини яшираётганда эҳтиётсизликка йўл қўйган. У жиноятни яшираётган жойдан сал нарироқда ижодкорлар қандайдир фильмини сьемка қилишгаётган экан... — Бўлди, бошқа гапирманг, ҳаммасидан хабарингиз бор экан. Нима учун мени бунчалик қийнайсиз? — Бор гапни ўзингиздан эшитмоқчи эдим... — Яхши, — кўзида ёш билан хўрсинганча гап бошлади аёл. — Ҳа, кунни дугоналарим билан оёғина майхўрлик қилгандик. Авваллари жуда кўп спиртли ичимлик истеъмол қилганим учун ҳозир бир пиёла ичсам ҳам маст бўлиб қоламан. Дугоналаримни кузатиб бўлгач, эрим ишдан келгунича бир амаллаб кайфимни тарқатиш йўлини излай бошладим. Чунки эрим ичганимни билиб қолса, уйда жанжал бўлишини билардим. Шунинг учун ҳам илиқ ваннада бироз дам олсам, ўзимга келаман деб ваннанинг жўмрагини очиб қўйдим. Сув тўлгунга қадар меҳмонхонага кириб, телевизорни ёқдим ва уйку элтиб, ухлаб қолибман. Уйғонганимда соат кечки тўртлар атрофида экан. Уч соатга яқин ухлаган эканман. Йўлакча чиқишим билан ҳамма ерга сув тошиб кетганини кўрдим ва ваннанинг жўмрагини очиб қўйганим ёдимга тушиб, ҳаммомга кирдим... У ерда эса... ундан-да дахшатли манзарани кўриб ўзимни йўқотиб қўйдим. Ваннанинг ичида ўғлим ўлиб ётарди. Аввалига нима қилишимни билмай қолдим. Лекин тезда ўзимни қўлга олиб, Артурни сувдан қўқариб олдим ва унга сунъий нафас бера бошладим. Лекин боламинг аллақачон жони узилган, кўқариб кетганди. Нима қилишни билмай бироз довлдириб турдим. Агар эрим бу ҳолатни кўрса... Дугоналарим билан яна майхўрлик қилганимни, кайф аралаш сувни оққизиб, ўзим ухлаб қолганимни, ўғлим сув билан ўйнайман деб ваннага сирганим тушиб кетганини, ёрдамга чақирганида мен ухлаб ётганимни билса, мени ҳам тирик қўймаслигини ўйладим ва тезда Артурни катта спорт сумкасига солиб, уйимиздан икки чакирим нарига олиб бориб қўмиб келдим... Эримга эса ваннадан сув тошиб кетган экан, ўша билан ўйнайман деб ваннага сирганим кўчага чиқиб кетганини билмай қолибман дедим.

«АЙБИМ НИМА ЭДИ, ОНАЖОН?»



ЁХУД ЎҒЛИНИ КЎМГАН «ЖАБРДИЙДА»

— Ўғлим... Уч ёшли ўғлим йўқолиб қолди. Кўчада ўйнаб юрган эди, бирдан йўқолиб қолди... — Сизни тушундим, ортимдан юринг, — нозир шундай дея аёлни жиноят қидирув бўлими ходимларининг хонаси томон бошлади. — Киришга рухсат этинг, ўртоқ полковник! — Киришга, Комилов. Нима гап? — Бола ўғирланган, ўртоқ полковник. Онаси шу ерда. — Сизга жавоб, Комилов. Сиз эса марҳамат ўтиринг, — полковник Одилов шундай дея аёлга рўпарасидаги стулдан жой кўрсатди. — Исмингиз нима синглим? — Альбина... — Навбатчига айтган гапларингизни менга ҳам такрорласангиз. — Мен ўғлимни толиб беришлар десам мени тергов қилишдан нарига ўтмайсизлар... — Узингизни босинг, Альбина. Ҳозирги аҳволингиз менга аён, лекин ҳар қанча оғир бўлмасин, ўз оғзингиздан бўлган воқеани айтишини керак. — Шу шартми? — Ҳа, жуда муҳим. — Уч ёшли Артур исми ўғлим тўрт кун аввал қаергадир йўқолиб қолди. Нима қиларимни билмай сизлардан ёрдам сўраб келдим, йигитларингизга айтиб қидирувни бошламасангиз, ўғлимни бир ёқлик қилишлари аниқ, — деди Альбина йўғламсираб. — Бўлим бошлиғи номига ариза ёзинг-да, манзилингизни қолдириг. Одилов аёлдан аризани олди ва дарҳол жиноят иши юзасидан тезкор гуруҳ тузди. — Маҳкамов, ушбу жиноят ишини очини зиммангизга оласиз. Хар бир гувоҳингиз сўзини диққат билан тинглаб, барчасини протоколга киритинг. Арзиманган бўлиб кўринган асос ҳам вақти келиб энг зарур далилга айланиши мумкин. Иш жараёнидан мени хабардор қилиб турасиз. Ҳозирок ишга киришинг!

— Сизга бир нечта саволларим бор эди... Ўғлингизни тез-тез кўчага чиқариб турармидингиз? Демокчиманки, кўчада ўзи тенги болалар билан ўйнармиди? — Ҳа. Баъзан дугоналарим билан йўғилишиб қолсак, Артур зерикиб, ўзи тенги қўшни болалар билан ўйнар эди. — Ўғлингизнинг ўғирланишида бирор кишидан гумонингиз борми? Фақат яхшилаб ўйлаб жавоб беринг, баъзан сира кутмаган одамларимиз душманмиз бўлиб қижади... — Бу саволни сиздан аввалроқ берганим ўзимга. Тўғри, хар кимнинг ўзига яраша душмани бўлиши табиий, бироқ бу даражада... Айрилар каби бадавлат яшамасак, мен уй бекасиман, эрим эса хусусий фирмада оддий муҳандис бўлиб ишлайди. Ким ҳам бизга ҳасад қилиши ёки пул ундириш мақсадида ўғлимизни ўғирлаши мумкин? — Бирор янгилик бўлиб қолса ёки турли хилдаги хатлар олсангиз мана бу рақамга кўнғироқ қилинг. Маҳкамов аёлдан бирор янгилик ололмаглигини тушуниб, вақтни бекор ўтказмаслик мақсадида хайрлашди. Йўлакдан кўчага қадам қўйиши билан у томон келётган рус миллатига мансуб эркак ва аёлга кўзи тушди. Уларнинг қўлида спиртли ичимлик ҳам бор эди. «Оксана дегани шу эмасмикан?» ҳаёлидан ўтказди Маҳкамов ва улар йўлакдан ичкини қаватга қўтарилганидан сўнг, йўлакча қайтиб кирди. Улар Альбинанинг эшиги кўнғирогини чалишгач, Маҳкамов шубҳаси тўғри чиққанига ишонч ҳосил қилди. — Узингиздан дугонажон, анави терговчи яна бирор нима ёдига тушиб қайтиб келдими дебман... Юқоридан келатган Альбинанинг овозини эшитган Маҳкамовнинг ҳайрати ошди. «Бир ҳафта-

ташладингиз? — кесатик билан гап бошлади Одилов. — Қўлимдан келганча ҳаракат қилаяпман, ўртоқ бошлиқ. Лекин нимагадир керакли натижани ололмаяман... — чайнала бошлади Маҳкамов. — Менга қара, ҳой бола, мана шу елкандаги учта юлдузни олишинг учун олти йил ўқигансан. Ҳарқалай милиция мактабига фақатгина қизларни кинога олиб тушишни ўргатишмагандир? Биладан, қўлингдан келганча изланаянсан, ҳаракат қилгансан. Бирок, ҳеч қандай натижа бермайдиган изланишининг кимга кераги бор? — Ўртоқ бошлиқ, мен... — Мен ҳали гапини тугатганимча йўқ. Кеча протоколдаги Альбинанинг қўшчилари билан қилган савол-жавобингни кўриб чиқдим. Менга бир ишинг ёқмади. Нима учун дегарли барча қўшниларга «Артурни охириги маротаба қаерда кўрдингиз, шу атрофда бирор шубҳали шахс кўринмади-ми?» каби аънаваный саволлар бериш билан қийоалангансан. Нахотки тезкор ходим сифатида сени бошқа бирор савол қизиқтирмася? — Бирор фикрингиз бўлса... — Менинг фикрим билан ишинг бўлмасин. Сен ишга шу қадар ёндошгинки, жиноятчининг ўзи айбини бўйнига олганини билмай қолсан. — Тушундим, ўртоқ полковник. — Вақт ўтапти, Маҳкамов, вақт. Шу пайтгача яна кимлар билан гаплашдингиз? — Қўшни аёллар билан. — Нима ҳақида? — Йўқолган болани... — Болани бир четга қўйиб тур. Ҳозирок бориб, ўша қўшни кампирлардан Альбина ҳақида маълумотлар ол. Яна такрорлайман, сен учун арзиманган бўлиб кўринган... — Ўртоқ бошлиқ, киришга рухсат этинг! — уларнинг гапини

очиб керак». Маҳкамов шундай ҳаёллар билан қандай қилиб Альбинанинг уйи томон келиб қолганини ҳам сезмай қолди. Йўлакда хар галгидек қўшни кампирлар чаққаклашиб ўтиришарди. Улар Маҳкамовни кўришлари билан таниб, суҳбатни тўхтатишди. — Келинг, ука, Альбинанинг ўғли ҳақида бирор янгилик топмадингизми? — деди аёллардан бири қизиқиб. — Олажон, менга сизларнинг ёрдамингиз керак бўлапти. Ҳозир менга Альбина ҳақида биланларингизни батафсил айтиб берсангиз... Ўзи қандай аёл? — Альбина бундан уч ой аввал наркологи я диспансерида даволаб келиб чиққан эди. Лекин ҳозир ҳам эрига билдирмай ўзига ўхшаш дугоналар билан оз-оздан ичиб туради. Ўғли йўқолган кун ҳам эрталаб уникига дугоналари келиши ва бир соатлардан сўнг, қайтиб кетишди. Бу вақт орасида Альбина ҳеч қаерга чиқмади, лекин кеч кириши билан катта спорт сумкасини кўтариб қаергадир бориб келди ва келганидан сўнг, «ўғлим йўқолиб қолди» дея гап тарқатди. Аммо ўша кун Артурнинг кўчага чиққанини ҳеч ким кўрмаган, қандай қилиб йўқолиб қолганига ҳайрон бўлдим. Бор гап шу... — Сизга катта раҳмат... Аёлни бошқа сўзи Маҳкамовнинг қулоғига кирмас, унинг бутун уй-ҳаёли Альбинанинг қўлида бўлган катта спорт сумкасида эди. Эшикни тақиллатиши билан Альбина эшикни очди ва «Бирор янгилик борми?» дегандек Маҳкамовнинг кўзларига илтижолу боқди. У эса аёлни рухсатсиз уйга кириб тулга ўтирди-да, жиддий оҳангда гап бошлади: — Хуллас, ўғлингизни топдик. Фақат... У ўлган экан... — Нималар деяпсиз, бўлиши

Мухлиса МУХИДИНОВА, жамоатчи муҳбир







UCHRASHUV

— Инобат опа, сизни шоира сифатида, қолаверса, «Ассалом Ўзбекистон», «Пахтазорга оқшом кўнганда», «Юрт ҳақида кўшик» каби публицистик кўрсатувларингиз орқали яхши биламиз. Айниқса, «Юрт ҳақида кўшик»даги эхтиросли чиқишларингиз кўпчиликл мухлисларингизнинг ёдида бор. Кейинги йилларда эса сиёсий ҳуқуқий мавзуда ижод қилаясиз, бунинг боиси нимада?

— Университетнинг журналистика факультетини тамомлаганимдан сўнг «Шарқ юлдузи» журналида иш бошладим. У ердаги мухит шеърларим устида ишлашга, янги-янги шеърий ҳамда публицистик чиқишларга имкон яратар эди. Умуман, у ердаги ижодий муҳитдан бир умр миннатдорман. Чунки кўп яхши шеърларим ўша даврда ёзил-

хотин-қизлар байрамлари, Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилишларининг сиёсий қисмларини тайёр-лаш, «Юзма-юз», «Муносабат», «Чорраҳа», «Сайловлар ва биз», «Қалқон», мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Маслак ва мақсад» кўрсатувларини тайёрлаб, юртдошларимиз эътиборига ҳавола этишда иштирок этаман.

— Сиёсий мавзунинг ёрдамида сиёсий редакцияда ишлаш аёл киши учун қийин эмасми?

**Инобат Нормуродова — таниқли тележурналист. «Ўзтелерадиокомпания»нинг «Ўзбекистон» телеканали «Сиёсат» студиясида хизмат қилади. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор. «Соғинч соҳили», «Кўнгул қушлари», «Ўттизинчи уй» шеърий китоблари муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

касбга тортиб туради. — Оила, фарзандлар тавшиши... Буларнинг ҳаммасига қандай вақт ажратасиз? — Мен вақт ажратмайман. Аксинча, мени вақт ажратиб бўлган. Кўлим тегиши мумкин бўлган ҳамма юмушлар мени кутиб туради. Уйда уйнинг, ишда эса ишнинг эга-



Шоира Инобат Нормуродова билан суҳбат

# Юрт ҳақида кўшик

ган. 1991 йил Республика телевидениесининг сиёсий-иқтисодий кўрсатувлар муҳарририятига ишга ўтдим. Эсимда, дастлабки лавҳаларимни кўрган Элбек Мусаев, Баҳодир Муҳаммедовлар бу қизда қишлоқнинг руҳи баланд экан, кўрсатувларини ўзи тайёрлаб, ўзи олиб борсин деган эканлар. Шундан сўнг кўп ўтмай эфирга чиқдим. Бошловчилик қилишда Мирзохид Раҳимов, Дилором Умарова, Раъно Жураева, Фарҳод Бобохоновлар яқиндан ёрдам беришди.

Авал Абдумўмин Ўтбосаров билан «Ассалом алайкум» (ҳозирги «Ассалом Ўзбекистон») тонги дастурига муаллиф ва бошловчилик қилдим. Кейин-кейин «Аёл ҳақида сўз», «Пахтазорга оқшом кўнганда», «Юрт ҳақида кўшик», «Ҳорман, пахтазорлар» публицистик кўрсатувларини ташкил қилиб, иш фаолиятимни бойитдим. Ҳозир ҳам уларни соғиниб эслайман.

Энди сиёсий-ҳуқуқий кўрсатувларга муаллифлик қилаётганимнинг боисига келсак, Фотима-Зухра қизларим тугилиши муносабати билан таътилда бўлдим. Ўша пайтда сиёсий-иқтисодий таҳририят «Сиёсат» ва «Иқтисод» студияларига бўлиниб, ходимлар ҳам иккита студияга ажратилган экан. Тақдир тақозоси билан мен «Сиёсат» студиясида қолганман. Ўша пайтдаги бош муҳаррир студия режасига кўра кўрсатувлар тайёрлашим лозимлигини айтгач, ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келди. Бунинг учун вақт керак эди, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдим. «Депутат»нинг биринчи сонини эфирга беришим учун икки йилча тайёрларик кўрдим. Олий Махлиснинг даярили ҳамма йиғилишларида иштирок этишга, амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижроси муҳомадаларида мунтазам қатнашиб боришга ҳаракат қилдим. Таҳририят журналистлар Рихсидов Қосимов ва Исмат Худоевлар иш таҳрибалари билан ўртоқлашишди. Парламент сессияларини ёритишда, шунингдек, «Туркистон» саройида бўладиган

— Қийин. Аслида ҳар бир касбнинг ўз машаққати бор. Қўрқса, уни енголмайди. Сиёсий мавзу бошқаларига нисбатан икки ҳисса, уч ҳисса масъулиятни оширади. Катта ҳушёрликни талаб этади. Журналист ўқиса, изланса, меҳнатдан қочмаса, қолаверса, амалдаги қонунларни яхши билса шунчалик қизиқарли бўлади.

— «Депутат» кўрсатуви нега камийиб кетди? Бу депутатларнинг ваколат мuddати тугашига оз қолганлигининг таъсирими?

— Йўқ. Унинг таъсири эмас. Қолаверса, бу мавзу тугамайди. Унга ваколат мuddатлари тугаб бўлган депутатларни ҳам тақдир қилиш мумкин. Фақат Олий Мажлис эмас, балки халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши депутатларини ҳам мавзуларга қараб суҳбатга чақирамиз. Уларнинг қонунлар яратишдаги иштироки, ижросини таъминлашдаги жонбозликлари, сайлов округларидаги фаолиятини ўрганишга қизиқаман. Фўқаролардан тушаётган мувожадатларнинг кўпчилиги мазмурий органларга тааллуқли бўлгани боис унинг ечимини, яъни депутат сўровномалари эътибордан четда қолмайди.

— Узингиз ҳам депутат бўлишга ҳаракат қилмаясизми?

— Ҳали тайёр эмасман деб ўйлайман. Лекин гоҳида ишдаими, жойлардами ҳазиллашиб «депутат» деб чақиринишди. — Инобат опа, сиз ҳақингизда гап кетса, меҳнаткаш аёл бўлишда. Агар журналист бўлмаганингизда қим бўлишингиз мумкин эди?

— Бобом Мақсуд Содиков узок йиллар Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаган. Онанинг айтишича, қотиллик жиноятини очиб пайтда жароҳатланиб касалликдан вафот этган. Мен бобомни кўрмаганман. Аммо сафдошларининг айтишларича, юриш-туришим, оз-тузилишим бобомни эслатаркан. Шунданми, кўпроқ маъмурий органларда ишлашни хоҳлар эдим. Ҳозир ҳам кўнглимнинг бир чети ўша

сига айланаман. Агар руссом бўлганимда бир кўлида кичкина боласи, яна бир 2-3 ёшлардаги боласи кўйларини этагини маҳкам тутиб турган аёлнинг суратини чизган бўлар эдим. Шундай. Энди турмуш ўртоғингиз қай даражада тушунади деб ҳам сўрашингиз мумкин. Ижодкор аёлларга қўлчиша шундай савол беришади. Бир жойда ўқиганим бор. Хонандаларимиздан бири хиргойи қилсам, хўжайиним дутор чертиб турадилар деган. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Мен турмуш ўртоғимни тушунмайди дея олмайман. Йигирма йилдан ошибдики, тушунманам деб, «дутор чертиб» турганларини ҳам эсломлайман. Бу ҳам аёлнинг қайси бир жиҳатдан бахти ва ютуғи бўлса керак.

— Келинг, суҳбатимизни шеърят мавзусига бурсак. Нима учун

и л а к т ў л а м и н г и з и «Соғинч соҳили» деб номлагансиз?

— Мен Китоб шахридаги 30-уйларнинг бирида тугилиб ўсганман. Студентлик йилларим ҳам Тошкент шаҳридаги 30-уйлардан бирининг 3-хонадонидан ўтган. Турмуш қуриб ҳовли сотиб олсак, Фуробий кўча, 30-уй экан. Тасодифни қаранг. Мен ҳозир ҳам 30-рақамли ховлида истиқомат қиламан. Шу боис, илк тўпламимни «Ўттизинчи уй» деб номлаган эдим. Китоб муҳаррири раҳматли Чори Аваз шеърларининг асосини соғинч ташкил этади дея «Соғинч соҳили» деб номлаган эди.

Кейинги тўпламим туркум шеърларимни ҳисобга олиб «Кўнгул қушлари» бўлиб кетди. Аммо мен барибир «Ўттизинчи уй»га қайт-

## JURNALNING YANGI SONI

Бизнинг юртда баҳор Наврўздан бошланади. Биз суйган баҳорни Наврўз етаклаб келади. Қалбларга баҳорий туйғуларни жойламоқ бўлади. Камтарона меҳнатимиз самараси ўлароқ «Qonun himoyasida» журнаlining mart ойи сонимиз таҳририятимиз қўлига бироз хаяллаб етиб боришимиз баҳорнинг юртимизга озгина ке-чикиб келишига ўхшатамизки? Журналинг янги сонини қўлга олар эканмиз, яна баҳор, яна Наврўз кунларига етганимиз учун шукроналар айтаемиз.

Муқовадаги инжу табассум билан сизни кутиб олаётган қизалоқнинг сурати баҳорнинг айнаи узидир. Гузалликни ким

«Она ҳаёт офтоби», «Эронда Наврўз», «Қўлтеги», «Наврўз бўлини, кунларинг Ватан» мақолаларигина эмас, «Сизга аталган гуллар», «Қонун устувор жамият», «Инсон тақдирини», «Бола боддан...», «Эскиёввалик Хосе Диас» каби бошқа мақолалардан ҳам Наврўз — янги кун ифори сезилиб турибди. Ўқинг ва хайратланинг. «Гузалик — хайрат тисоли».

Маълумки, «Qonun himoyasida» бериб келаётган сара илмий тадқи-

дим. — Бир шеърингизда: «Анҳор куйиб кетди дафъатан, Машраб мисол йилгади улар. Мубталои там бўлган экан Мен қайрига етмаган кунлар» деган мисралар бор. Бу мисраларда армон ширингандай?

— Армоннинг ранглари нима ўзи дейман ўзимга ўзим. Сизда ҳам армон борми дегим келади замондош дўстларимга. Менимча, армон етиб бўлмас маъво. Аммо кўл етган ҳамма нарсани бажариш мумкин.

Менинг армонларим ўзимга тан. Уни ҳеч қачон қайтариб бўлмайди. Аммо орзуларим бисёр. Ёлғиз ўзимнинг ҳаётим билан боғлиқ бўлса, шахсий автомобилимда ёлғиз сайр қилишни яхши кўраман. Аммо دادаси кўпда бунга рухсат бермайди. Шугина холос. Менимча, бу армон эмас. Ота-онам, ака-укаларимнинг умрлари узок бўлсин!

— Ҳали ҳеч қим эшитмаган шеърингизни эшитгим келяпти. — Ўзим яхши кўрганым бўлса ҳам майлими?

Қанча сафар қариди йўлда, Қанча тўлқин келиб кетди жим, Ҳали-ҳамон осмонга боқиб, Мен ҳақимда ўйлар мунажжам.

Нисоҳимда саволлар рақси, Фол кўргандай шивирлар тинчим. Қанча йўлар юрибман эҳ-ҳе, Ҳамон мени ўйлар мунажжам.

Кўримдиди йўларда адоқ, Турнақор тизилар йўлчим. Ой нуруни ипга йиғибир, Яна мени ўйлар мунажжам.

— Суҳбатимиз сўнгида «Ниқуқ» мухлисларига тилақларингиз?

— Ишим шў бўлгани учунми, ҳақ-ҳуқуқларини билмай қийналиб юрган одамларни кўп кўраман. Аслида, ҳақ-ҳуқуқларимиз, эркинликларимиз қонунларда муқаммал белгилаб берилган. Гап шундаки, уни яхши билган одам қоқилмайди. Шундай экан, ҳар бир инсон, энг аввало, ҳуқуқий саводхон бўлишни истайман. Бу саводхонлик эса кўп яхши кунларга олиб келишига ишонаман.

Фазилят ЁДГОРОВА суҳбатлашди

**HUQUQ** yuridik gazeta  
**Ta'sisчилар:** O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali  
**Bosh muharrir:** **Abdulloliq ABDURAZZOQOV**  
**Tahrir hay'ati:** Bahriddin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

**Tahririyat manzili:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.  
**Telefon:** 133-82-34, 133-64-72.  
**E-mail:** Info@huquq.uz.  
**Faks:** 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashridan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat shahiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.  
Gazetaning no'xtadan o'tish tarixi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Buyurtma — 470. 17110 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
**Navbatchi muharrir:** Y. PARDA  
**Navbatchi:** A. MUSTAFOYEVA  
Gazeta «Sharq» NMM bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turan ko'chasi, 41.

**Gazeta haftaning chorsanbali kunlarini chiqadi.**  
**Sotuvda erkin narxda**  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30. 1 2 3 4 5 6 7 8